№50 (328)

2002 йил 11 декабрь

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нарҳда

2 * Жамоат назорати - одил назорат! * Маҳалла стадиони энг гавжум маскан.

3 * Бойсуннинг обод маҳаллалари... * Мурувватнинг қадрини уни кўргандан сўранг.

4 * Тонгги бедорлик барака келтиради! * Ўт балосидан бизни эҳтиёткорлик асрайди.

РУКН Расмий

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент Ислом Каримов жаноби олийлари!

Буюк Ўзбекистон заминининг гуллаб-яшнаши йўлидаги Сизнинг доно йўлбошчилигингиз ва фидойи фаолиятингиз олдида чуқур эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу билан бирга, бутун халқингиз Сизнинг инсонпарвар сиёсатингиз туфайли қўлга киритилаётган бемисл ютуқлардан мамнунлик ва келажакка юксак ишонч билан кутиб олган мамлакатингиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.

Бутун дунё Ўзбекистоннинг таълим, маданият, иқтисод, саноат ва бошқа барча соҳалардаги жадал ва муваффақиятли тараққиётига қойил қолмоқда ҳамда Сизнинг порлоқ истиқболга қаратилган ташаббусингизга улкан эҳтиром билдирмоқда.

Шахсан мен учун ва менинг раҳбарлигимда ташкил этилган Сока Университетининг бутун жамоаси учун Сиз олий ўқув юртимизнинг Фахрий доктори бўлишга розилик билдирганингизнинг ўзи юксак шараф ва улкан қувончдир.

Сизни ишонтириб айтаманки, Сока Университети ректори Масами Вакаэ Ўзбекистонда Сизга университетимизнинг Фахрий доктори дипломини топшириш маросимини халқаро этикетнинг барча қоидалари бўйича юксак масъулият билан ўтказади.

Сока Университети профессор ва талабалари номидан Сизга самимий қутловларимизни йўллашга ва яқин келажакда Сизни рафиқангиз билан олий ўқув юртимизда кутиб олиш умидини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мамнуният билан Сизга шуни ҳам маълум қиламанки, Ўзбекистон Бадиий академиясининг катта ёрдами туфайли Тошкентда менинг шахсий фотокўргазмам очилмоқда. Камтарона асарларим Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қила олса, ўзимни бениҳоя бахтли ҳисоблар эдим.

Биз, Сока Гаккай жамияти ва Сока университетининг барча аъзолари Сизнинг мамлакатингиз билан маданият, таълим ва тинчликни ҳимоя қилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ва дўстона муносабатлар ривожи йўлида бутун куч ва ғайратимизни сарф этишга тайёрмиз.

Мактубим охирида чин қалбимдан Сизга - Ўзбекистон халқининг буюк йўлбошчисига ҳамда оилангизнинг барча аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва мамлакатингизга фаровонлик тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,
Дайсаку Икеда,
Сока Гаккай Интернэшнл Президенти

ИСЛОМ КАРИМОВ - СОКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабр куни Японияннинг Сока университети ректори Масами Вакаэни қабул қилди.



Ўзбекистон ўзининг ривожланиш йўлидаги стратегик режаларини ҳаётга жорий қилишда Япония билан молиявий-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўз навбатида, Япония ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутадиган мамлакат деб ҳисоблайди. Шу боис Кунчиқар мамлакати Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан, деб қарайди.

Президент Ислом Каримовнинг шу йил июл ойида Японияга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тобора юксалиб, стратегик шериклик даражасига чиққанини намойиш этди. Ушбу ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида ижтимоий, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳужжат ҳам имзоланган эди. Айтиш лозимки, мазкур ҳамкорликнинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Сока университети раҳбариятининг юртимизга ташрифи бунинг яна бир исботидир.

Сока университетига 1971 йили Японядаги йирик «Сока Гаккай» буддавийлар ташкилоти фахрий президенти Дайсаку Икеда томонидан асос солинган.

Мазкур университет олимлари Осиё бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиб келади. Тадқиқотлар натижалари университетнинг Осиёни ўрганишга бағишланган махсус журналида мунтазам чоп этиб борилади.

Университет Ўзбекистондаги илм даргоҳлари билан ҳам анчадан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1989 йили Сока университети билан Ўзбекистон Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди. Бунинг натижаси уларок, Далварзинтепада қазишма ишларини ўтказиш учун профессор К.Като раҳбарлигида ташкил этилган Марказий Осиёда илк Ўзбекистон-Япония археология экспедицияси самарали иш олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги бундай кенг қамровли ҳамкорликда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг буюк хизматлари бор.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга дунёдаги барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда маданият ва таълимни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Сока университети «Фахрий доктори» унвонининг дипломи топширилди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Японияннинг мазкур университети билан мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА)

10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 10 йил тўлди

БОШ ҚЎШИҒИМИЗ

Тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси - Конституциямиз қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали байрам маросими, одатдагидек, Давлатимиз мадҳияси ижроси билан бошланди. Дилларни чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларига ошно этувчи Мадҳия садоларини Президентимиз Ислом Каримов иштирок этган улкан анжуман аҳли тик туриб нафақат тинглади, балки улуғвор ва умидбахш мисраларга жўр бўлди. Қалбларда яна бир бор яратувчилик ва бунёдкорлик ғайрат-шижоати жўш урди.

Кеча ана шу сурурбахш фахриямиз - Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 10 йил тўлди.

Ўн йилки, ҳурриятнинг муаззам садоси бўлмиш бу оҳанрабо тарона мустақил давлатимиз тузумини, халқимиз табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англатадиган энг муҳим тимсоллар қаторида эъзозлаб келинмоқда.

Конституциямиз ва бошқа давлат рамзлари қатори Мадҳия тарихи ҳам, аслида, ҳали советларнинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда бўлиб турган даврларга бориб тақалади. 1990 йил март ойидаёқ Юртбошимизнинг ташаббуси ва фидокорона саъй-ҳаракатлари билан давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинган эди. Ўша йили 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларациясида эса Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд этилди.

Истиқлол шарофати туфайли кенг ва қизғин руҳда кечган ижодий жараёнлару умумхалқ муҳокамалари натижаси ўлароқ, 1992 йил 10 декабрь куни Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, машҳур композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси жўрлигидаги мукаммал қасида намунаси - мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири - Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси тасдиқланди.

Шундан буён мамлакатимиз раҳбари жаҳоннинг турли давлатларига ташриф буюрганида, мўътабар халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилаётганида, озод Ўзбекистонга эҳтиром тимсоли сифатида Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Шунингдек, Мадҳия садолари остида юртимизга келган таниқли давлат ва ҳукумат раҳбарлари кутиб олинмоқда ва кузатиб қўйилмоқда. Мамлакатимиз доирасидаги турли нуфузли тантаналар, юртимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсдаги йирик сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ва нуфузли спорт мусобақалари чоғида ҳам ана шу шукуҳли тарона жаранглаётир.

Мусиқа ва қўшиқ минг йиллар давомида инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётгани, бу ёруғ оламни яна ҳам мунаввар этиб кўрсатадиган илоҳий мўъжиза экани барчамизга аён.

Айни чоғда, агар оҳанг ва сўз ботинида халқ хусусиятларию Ватан фазилатлари бир-бири билан уйғунлик касб этса, юртпарварлик ва халқсеварлик туйғулари, миллатнинг асрий эзгу ниятлари, орзу-армонлари, ўтмиши, бугуни ва эртаси ўзаро вобаста бўлса, бундай тарона том маънода халқнинг Бош қўшиғига айланажагини Мадҳиямиз мисолида кўриб, билиб турибмиз.

Ишончимиз комилки, истиқлолимиз истиқболи, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимиз шон шуҳрати ва бахтиёр авлодлар ёруғ келажагини шарафловчи бу буюк қасида асрлар оша оламаро мағрур таралаверади.

Зотан, бу қўшиқ ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун азиз ва муқаддасдир.

Бу ўктам ва мардона қасида авлодларимизни шу жонажон юртга меҳр-муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бу соҳир ва муаззам баёт кишиларимизнинг руҳига руҳ, кучига куч бағишлаб, халқимизни янгидан-янги улуғвор бунёдкорликларга мудом даъват этаверади.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

РУКН *«Mahalla» ҳайъати минбари*

«ОБОД МАҲАЛЛА» ДЕГАНИ...

Умрни оқар сувга қиёслайдилар. Ростдан ҳам шундай, бундан роппа-роса бир йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов таклифлари асосида Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинган 2002 йил ҳадемай поёнига етади. Юртбошимиз таклифи билан «Обод маҳалла» йили деб эълон қилинган 2003 йил киради.

* Якунланаётган йил самараси
* «Отанг - маҳалла, онанг - маҳалла»
* Давлат кўмаги...
* Ҳокимият ва маҳалла
* Яна тўй ҳақида...

Фурсат қанчалик югурик, вақт нечоғли ғанимат бўлмасин, ўтиб бораётган йилимизда ҳам ўзига хос ташвишу безовталигимиз анчагина бўлса-да уни кўнглимиз тўқ ҳолда кузатиб қолишга етарли асосимиз бор. Чунки ўтаётган йилнинг амалий натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳар ҳолда, барча жабҳаларда эл-юрт манфаатлари йўлида анчу-мунча хайрли ишлар бажарилганига гувоҳ бўламиз. Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган Давлат дастури асосида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижаси ўлароқ, юртимизда нафақат муҳтарам фахрийларимиз, кексайиб қолган ота-оналаримиз, балки бутун жамиятимиз муайян манфаат кўрганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Жорий йилда, аввало, юртимизнинг бугуни учун йиллар давомида меҳнат қилган инсонларни улуғлаш ва уларнинг ҳурматини жойига қўйиш йўлида ғоят катта кўламли юмушлар амалга оширилди. Ўтган даврда, мамлакатимиз раҳбари қайд этганларидек, пенсия ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблашга адолатли қараб, пенсия миқдорининг 1,3 марта кўпайтирилгани, кексаларимизга кўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг кўлами салмоғини кўрсатиб турибди.

Қолаверса, масаланинг маънавий томони ҳам борки, Қарияларни қадрлаш йилида оилада, маҳаллада, жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчиликнинг эъзозида бўлиб келаётгани ҳам аён ҳақиқатдир.

Умуман, Истиқлол йилларида эълон қилинган Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йиллари билан Қарияларни қадрлаш йили ўртасидаги мантиқий асосдаги ўзаро узвий боғлиқлик нуқтаси ҳам, аслида ана шу битта нуқта - Инсон, Инсонни улуғлаш ва рози қилиш, Инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдек буюк мақсад атрофида туташиши жиддий эътиборга моликдир.

Худди шу жиҳатдан, яъни Инсонни улуғлаш, хусусан, мўътабар қарияларимизга эътибор бериш йўналишидаги ишларни янги босқичда, янгича шаклда изчил давом эттириш мақсадида Юртбошимиз кириб келаётган 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиш таклифи билан чиқди.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбари алоҳида уқдирганидек, бу масалага кенгроқ қараш, янги йилга бундай ном беришимизнинг боиси нимада, деган табиий саволга жавоб излаш жоиздир. Ва аввало, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида нечоғли теран маънолар борлигини уқиб олишимиз барчамиз учун фарз ва қарздир.

«Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади, деди Президентимиз. - Шу нуқтан назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман».

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётир.

Президентимиз «Отанг - маҳалла, онанг - маҳалла» деган пурмаъно ҳикматнинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этиш ҳақида сўзлар экан, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин - бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қария бўладими - буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарурлигига ҳам алоҳида тўхталди.

«Бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас, - деб қайд этди Йўлбошчимиз. - Бунинг учун аввало давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак».

Шу билан боғлиқ яна бир масала - маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар, шунингдек, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракаларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишдаги исроғгарчиликлар, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатлар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, «Обод маҳалла йили» маҳалла зиммасига, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан бир қаторда ана шу маҳаллаларда истиқомат қилувчи сизу бизнинг зиммамизга ўта масъулиятли ва шарафли вазифаларни юклаётирки, бу ҳам, биринчи навбатда, юқорида зикр этилган олий мақсад - Инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашга қаратилгандир.

Зеро, Юртбошимиз эътироф этганларидек, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

2-саҳифада

Муносабат:

«Шикоятчи»дан ҳам шикоят қилиш мумкин... экан», 11 сентябрь.

ШИКОЯТДАН ИШГА...

Самарқанд вилояти Сиёб туманидаги Регистон маҳалласи оқсоқоли И.Солиев томонидан бир неча йилларидан бери тўхтамаётган шикоятлар оқимн ва бу шикоятчининг устидан шикоят битилган мактубнинг натижаси ўлароқ газетамизнинг 2002 йил 11 сентябрдаги сонида «Шикоятчи»дан ҳам шикоят қилиш мумкин... экан» номли мақола чоп этилганди. Ушбу мақола юзасидан Сиёб тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Ф.РАҲИМОВ имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати олдик:

«... Мақола Регистон маҳалласида, фуқаролар иштирокида муҳокама қилинди. Маҳалла оқсоқоли И.Солиевга маҳалладаги муҳитни соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни кўпроқ ўтказиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Шунингдек, унга «Регистон» ширкатининг фаолиятига ўринсиз аралашиши мақсадга мувофиқ эмаслиги уқтирилди. Маҳалла йиғини ва ширкат ходимларига ҳамжиҳатликда фаолият юритиш лозимлиги алоҳида таъкидланди».

«Сингапурга сим қоққан Чингиз ота(ми?)» 23 октябрь.

ЧИНГИЗ ОТА ҲАҚ БЎЛМАДИ...
АКСИНЧА ҲАҚ ТЎЛАДИ

Газетамизнинг шу йил 30 октябрдаги сонида чоп этилган «Сингапурга сим қоққан Чингиз ота(ми?)» сарлавҳали мақолада бир пенсионер отахоннинг телефонидан Сингапурга сим қоқилгани кўрсатилиб, ундан шу пулни тўлаш талаб этилаётгани, отахоннинг ўзи, оила аъзолари бундай сўзлашув бўлмаганлигини айтиб, бу айоқа учун хизмат ҳақи тўланиши юзасидан Тошкент шаҳар телефон тармоғи бошқармаси ва мижоз ўртасида можароли вазият юзага келгани ҳақида сўз юритилганди. Айни кунда Тошкент шаҳар телефон тармоғи бошқармаси раҳбариятининг таҳририятга маълум қилишича, вазият ойдинлашибди.

Текширув жараёнида май ойида Тошкент шаҳридан чет эл сафарига кетган бир аёл ушбу телефон рақами унга таниш экани ва бу рақамдан Ортиқ исмли йигит ўзига қўнғироқ қилганини маълум қилди. Чингиз отага бу тафсилот маълум қилинганда, отахон шундай исмли узоқ қариндоши борлигини эслади. Устига-устак, бу йигитда бирор муддат отахоннинг телефонидан фойдаланиш ваколати ҳам бўлган. Сим қоқувчи уй эгасининг рухсат бермаслигини билгани учун отахондан янгиранча Сингапурга сим қоқдану жўфтакни ростлаган экан.

Хулас Сингапурга сим қоққан одам аниқланди. Узоқ қариндоши Ортиқбойнинг бу иши Чингиз ота-ни ҳам мулзам қилди. Чингиз ота Сингапурга қилинган қўнғироқ ҳақини тўлаб қўйибдилар.

Таҳририят.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона: 136-59-93
Тел/Факс: 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Ислом КАРИМОВ: «Обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор»

Қуаи бошқариш тизимида

Жиззах вилояти

«...ҚУЧОҚ ОЧИБ ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК»

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 2003 йилни «Обод маҳалла» йили деб эълон қилгани жиззахликлар қалбида ҳам катта қониқиш ҳиссини уйғотди.

Жиззах вилояти ҳокимлигининг шаҳар ва қишлоқларда кўча оқсоқоллари тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарори нақадар ҳаётий кучга эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг амалийлигини таъминлаш учун улар ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий масалаларни тарғиб қилиш, солиқ ва коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўланиши, тўю тантана ва маросимларни тартибли ўтказиш, кам таъминланган, қаровчиси йўқларга ёрдам уюштириш, ҳашарлар ташкил этиш, мавсумий хўжалик ишларига фуқароларни жалб этиш, соғлом муҳитни юзага келтиришда кўпгина тадбирларга қўл урдилар.

Келгуси йилни «Обод маҳалла» йили деб эълон қилиниши юқоридаги ишлар қўламини янада кенгайтириш катта имкониятини яратади.

- Ҳудудимизда бирорта хайрли иш йўқки, уни маҳалла ташкил этмаган бўлсин, - дейди Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ғанижон Обидов. - Бундан икки йил илгари олмониялик мутахассислар ҳамкорлигида маҳалламизни тўлиқ ичимлик суви билан таъминлашга муваффақ бўлдик. Шу йилнинг баҳорида эса Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги Маркази эксперти жаноб Даглас Туки меҳмон бўлиб келди ва маҳалламиз, унинг ажойиб кишиларига ҳаваси келди.

Бундай дил туйғуларини биринчи марта эшитаётганимиз йўқ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, умрининг 40 йилини ёшлар тарбиясига бахшида этган Ғаллаорол туманидаги Қўқумбаз маҳалласи фуқароси Зиёд Сатторов шундай дейди:

- Бизнинг шарқона демократиямиз оғир, вазмин бўлишни, ёши улуғларни ҳурмат қилиш, ишларни бамаслаҳат билан битириш, икки томонни ҳам яхшилик билан яраштириш каби инсонпарварлик ғояларига асосланади. Келгуси йил «Обод маҳалла» йили деб эълон қилинган экан, Йўлбошчимиз айтганларидек, **«маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш..., унинг ижобий асосда шаклланишига позиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага теңг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ».**

Баъзан шундай гаплар қулоққа чалиниб қолади: Айрим ёшларнинг тарбияси бузилаяпти, деган. Бунда албатта, биз ҳам маълум даражада айбдормиз. Уларга панд-насиҳат қилиш, тартибга чақириш, жамоатчилик кучи билан тўғри йўлга солиш ҳар бир кекса авлоднинг вазифаси, деб ҳисоблайман.

Шундай ажойиб кунларни орзу қилган истиқлол қўйчиси Чўлпон даъваткор қўч билан:

«Бутун кучни халқ ичидан олайлик,

Қучоқ очиб халқ ичига борайлик»

деганди. Демак, биз ҳам халқимизни бир муштарак мақсад йўлида уюштира олган маҳаллага борайлик. У ердан қалбимиз илиғанини албатта, топамиз.

Сухбатдош: Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

РУКН Фуқаролик жамияти сари

****28 йўналишда тавсиянома***
**** Назоратчи маҳалладошлар камчиликларни топишди...***
**** ...ва ишни судга ҳам оширишди.***

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Прокуратура органларига тааллуқли ваколатларнинг бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан маҳалла бажармоқда. Бунга вилоят прокуратураси бош-қош бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигининг тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида жамиятимиз ривожланган, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан назорат вазифаси ҳам, ўз ўрнини жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Фарғона вилояти прокуратураси ходимлари бу жараёнга республикада биринчилардан бўлиб киришган эди. «Жамоат, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш идоралари орқали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантириш дастури» ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шу йил февраль ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида муҳокама қилинди. Сўнгра ушбу ҳужжат вилоятдаги барча шаҳар, туман ҳокимликлари, фуқаролар йиғинларига жўнатилди.

Мана шу манбалар асосида вилоят прокуратураси ҳузурида жамоат назоратини шакллантириш гуруҳи ташкил этилди ва унинг атрофига тажрибали қонуншунослар жалб қилинди. Ушбу гуруҳ тез орада 28 йўналиш бўйича «Услубий тавсия»лар ишлаб чиқди ва уларни кўп минг нусхада нашр этпирди. Тавсияларда ҳаётдаги йирик муаммолардан тортиб, кундалик турмушимиздаги майда ишлар-чиқир тўсиқларгача қонуний йўл билан қандай бартараф этиш йўл-йўриқлари, тақдимномани, даъво аризасини қандай ёзиш, муайян камчиликлар бўйича далолатномалар қандай тузилиши-ю, аниқланган қонунбузарликлар бўйича прокуратурага, судга қанақа ҳужжатлар тайёрлаш каби масалалар кўрсатиб берилган.

Олдинда «Услубий тавсия»ларда кўрсатилган ишларни амалда бажариш вазифаси турарди. Буни ким, қандай қилиб амалга ошириши керак? Вилоят прокуратураси бу борада ҳам ташаббусни ўз қўлига олди. Жойларда - Фарғона ва Қўқон шаҳарларида ўқув ташкил қилиниб, уларда вилоятдаги нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, қишлоқ, шаҳарча ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари ўқитилди.

Ҳозирги кунда вилоятдаги ҳар бир қишлоқ, шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича алоҳида гуруҳлар тузилган. Ушбу гуруҳларга асосан пенсионерлар ва турли соҳа мутахассислари жалб қилинган. Уларга ўз вақтида методик ёрдам кўрсатиш мақсадида йиғинлар ҳузурида жамоатчилик назорати бурчаклари ташкил этилди.

Кузатишлар ва якуний таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик қишлоқ, шаҳарча ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати изчил амалга оширилмоқда. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Вилоят бўйича шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида жамоатчилик назоратини ташкил этиш гуруҳлари томонидан 2626 та текшириш ўтказилган ва улар якуни муҳокама қилинган. Йиғилишлар қарорларига асосан мутасаддилар идораларга 339 та тақдимнома киритилган ва 390 та талабнома берилган. 60 та даъво аризаси кўзатилиб, 138 та ҳуқуқий низо адолатли ҳал қилинган.

Аҳолини саккиз хил озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш савдо ходимларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Хўш, бу вазифа жойларда қандай ҳал қилиняпти? Жамоатчи назоратчилар шу масала бўйича икки ойда 170 та савдо нуқтасида текшириш ўтказишди ва бир қатор камчиликларни аниқлашди. Жумладан, текшириш жараёрида айрим савдо шоҳобчаларида ўсимлик ёғи, шакар, совун йўқлиги, аҳолига берилаётган уннинг оз ва сифатсизлиги маълум бўлди. Кўпчилик маҳсулотларга ёрлиқ ёпиштириб қўйилмаганидан харидорлар уларнинг нархини билишмайди. Назоратчилар юқоридаги камчиликлар бўйича мутасадди савдо идораларига 35 та тақдимнома ва 53 та талабнома киритишди. Энг муҳими, бу масала тезда ижобий ҳал этилди. Фуқароларнинг 23 та ариза ва 26 та талаби ҳам ўз вақтида қонуний ҳал қилинди.

Пенсия ва бошқа турдаги нафақаларнинг берилиши текширилганда бу соҳада ҳам қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, ижтимоий-таъминот, банк ва почта ходимлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўқлиги сабабли айрим ҳолларда пенсия ва нафақа пулларини бериш муддати чўзиб юборилмоқда. Кейинги икки ойда шу масала бўйича назоратчилар томонидан 192 марта текшириш ўтказилиб, 5 та тақдимнома ва 8 та талабнома жойларга юборилди. Фуқароларнинг 3 та даъво аризаси ва 10 та ҳуқуқий низоси бўйича иш қўзғатилган. Фарғона шаҳар, Ойбек кўчаси, 3-уй, 24-хонада яшовчи биринчи гуруҳ ногирони М.Алиёрова нафақа пулини ўз вақтида ололмай сарсон бўлаётганди. Бу масала маҳалла назоратчилари аралашуви билан қисқа фурсатда ижобий ҳал қилинди.

Ёзёвон туманидаги Хонобод маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчилар пенсия ва нафақа пулларини кечикиб олишарди. Бунинг сабаблари маҳаллалардаги жамоатчи назоратчилар томонидан ўрганилиб, Марғилон шаҳар фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилинди. Ўз вақтида ижобий жавоб олинмагач, назоратчилар бу ҳақда судга иккинчи марта мурожаат қилишга мажбур бўлдилар ва муаммо ўзининг ижобий ечимини топмагунича тиниб-тинчимадилар.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи, коммунал тўловларнинг ундирилиши, фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, якка-ёлғизларга кўрсатилаётган хизмат ва бошқа масалалар юзасидан ўтказилган текширувлар ҳам ўз самарасини берди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, келгусида жамоатчи назоратчилар прокуратура органларига тегишли ваколатларнинг бир қисмини ўз зиммаларига олишлари аниқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент шаҳри

ЁШ ҲУНАРМАНДЛАРГА ОҚ ЙЎЛ!

Сирғали туманининг Ўзгариш маҳалласида ёшларга ҳунар ўргатиш мақсадида мутахассисларни жалб этиб, «Ўқув маркази» ташкил қилишни кўнгилга тугиб қўйгандик. Яхши ният - ярим давлат деганларидек, шунга яраша саъй-ҳаракатлар ҳам қилинди.

Режамиз бўйича моддий қўллаб-қувватлашларини сўраб Ўзбекистон Бадиий Академиясининг махсус жамғармасига мурожаат билан чиқдик. Улар таклифимизни маъқуллаб, бизга керакли бўлган моддий ёрдамни беришди. Бунда ЎзБА махсус жамғармаси раисининг бадиий ишлар бўйича ўринбосари, маҳалладошимиз Илёс Субхоновнинг ҳиссаси катта бўлди. Шундай қилиб, жорий йилнинг июль ойидан бошлаб «Ўқув маркази» иш бошлади. Унинг таркибида зардўзлик, рассомлик тўгараклари ва болалар ансамбли фаолият юритмоқда.

Биз марказ иш самарадорлигини таъминлаш мақсадида кадрлар масаласига алоҳида эътибор бердик. Танлов асосида ишга қабул қилинган Камола Субхонова қизларга зардўзлик сирларини ўргатаётган бўлса, Х.Санаев ўқувчиларга рассомликдан малакали сабоқ бермоқда. Меҳриддин Эшбоев эса болалар ансамблига жон қуйдириб бошчилик қиляпти. Натижа ҳам шунга яраша бўлаётир.

Тақдимотда маҳаллаларда ёшларга касб-ҳунар ўргатишдек муҳим масалага катта эътибор берилаётганлиги таъкидланиб, Ўзгариш маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Ғоиповнинг ташкилотчилигига ижобий баҳо берилди.

«Ўқув маркази» бошлиғи Б.Анорқулова эса, маҳалла ёшларига иш ўринлари яратилаётгани ва келажакда республика миқёсида кўргазмалар уюштириб, уларни хорижий мамлакатларда ҳам ўтказиш режалаштирилаётганини айтди.

Н.ШАМШИЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Сирғали тумани бўлинмаси раиси.

«ОҚСОҚОЛ ЎЗ ЭЛИНИ САНОҚҚА КИРИТАДИ»

-дейди Қарши маҳалласи оқсоқоли Мунаввар ҲАМРОЕВА

**** Биз ҳам ҳокимият, лекин...***
**** Ишсиз эркак ўз оиласида обрўсини йўқотади.***
**** Маданият деганда...***

Мунаввар Ҳамроева кўпчиликнинг ташвишига жонсарак аёллардан. У пайтда Қарши шаҳридаги Қарши маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

- Бизда бир анъана бор: бирор тадбир бошлагудек бўлсак, дарров фаолларни йиғамиз. Лекин ўз-ўзига беркинган, қандайдир қийинчилик туфайли кимлардандир зада, норози оилаларга кириб боришдан ҳам чўчимаймиз. Уларга жуда самимий - худди қизи ё синглиси каби мурожаат этиб, нима дарди, нима зарурати борлигини сўраймиз... Албатта, «Биз ҳам ҳокимият бўлдик» деб сал керилиб қолган, кимдир дарди билан эшигига келса, идорадан, қабул куним бор, қачон тартибни ўрганасизлар дейдиган айрим оқсоқоллар олдида бундай самимий мурожаат одамларнинг эътиборини тез тортади.

Йўл-йўлакай «қалайсиз?» деб ўтиб кетсангиз, ҳа, энди, айтди-қўйди-да, дейди. Атайлаб уйига борсангиз, кўнглида «Менинг ҳам қадрим бор, экан-да, саноқда эканман-да» деган ҳиссиёт уйғотади.

Иш режамиздаги асосий нуқта ишга эҳтиёжманд фуқароларимизни аниқлаб, ишчи бўлимда кўмаклашиш. Ишсиз одам, айниқса, эркак киши оилада, болалари олдида ҳурматини йўқотади. Бу тар-

бияга ёмон таъсир қилади. Ҳозиргача меҳнат бандлик бўлимлари билан келишиб, 40 тагача фуқароларимизни иш билан таъминладик. Бундан ташқари, пахта терими мавсумида Батош жамоа хўжалиги билан ўзаро шартнома асосида бир кунлик, ҳафталик, ўн кунлик ишлар ташкил қилиб, иш ҳақини ўз вақтида ундирдик. Маҳаллада яқинда тикув цехи очамиз, ундан ҳам олдин келин-куёвлар учун сартарошхона очиш тараддудидамиз.

Маънавият деганда одамлар кўпроқ иккита санъаткор чақириб, қўшиқ тинглаб, рақс тушишни тушунадилар. Китоб, газета, журналлар худди маънавият доирасидан чиқиб фақат журналист ё филологлар ўқийдиган манбага айланаётгандай...

Ҳар бир оилади мўъжазгина кутубхона бўлса қанийди. Яқинда маҳалламизда марказий кутубхона филиалини очамиз. Қолаверса, хонадонларнинг осойишта, ораста, ўзаро тотувлигига баҳо берганда, китобхонлиги, газетхонлиги ҳам алоҳида эътиборга олинади. Мана, бу йил Ипак Йўли кўчасидаги Раимовлар хонадони намунали оила кўрик-танловида қатнашганида ҳайъат аъзолари газета-журналлар ҳақида ҳам савол бердилар.

Яқиндан буён хотин-қизлар қўмитамиз раиси маошли ишлаяпти. Маҳаллада педагогтарбиячи иш бошлади. Масъулият кучайгач, муаммолар ҳам анча камайиб қолди. Фуқароларимиз қийинчиликларнинг ҳар бир янги мустақил бўлаётган давлатда содир бўладиган ҳол эканини тўғри тушунишсин. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш ҳам олдимизда турган катта вазифалардан. Чунки судга, нотаруиса, ҳатто шифокорга бориш учун ҳам ҳокимликлар эшиги қоқилади. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини тўлиқ билсин, лекин ҳуда-беҳуда бировларни айбламасин.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА
сухбатлашди.

Маҳалламизни обод ва фаровон кўриш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, - дейди Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Нодира номли маҳалла оқсоқоли Султонмурод Ғ.монов.
Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган сурат

Қорақалпоғистон:

МЎЙНОҚДА ҲАЁТ ҚАЙНОҚ

Бир пайтлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳур бўлган Мўйноқ балиқ консерва комбинати қайта иш бошлади.

Орол денгизнинг қуриши, ўз соҳилидан қарийб 200 километрга чекиниб кетиши ва кейинги икки йилда Амударёда сувнинг ғоят танқис бўлиши азалдан балиқчилик ватани бўлган мўйноқликлар учун ғоят мураккаб вазиятни яхшилаш, уларни тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш оналар ва болалар соғлиғини сақлашга катта эътибор қаратилди. Айниқса, мустақиллик йилларида мўйноқликларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилди. Жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори шу масалага жалб этилди. Сувни чучуклаштириб берувчи хориждан келтирилган қудратли ускуналар ўрнатилди. Амалдаги йилда Амударё суви Оролбўйидаги кўллар, ички сув ҳавзаларига равон оқа бошлади. Шу эътиборга олиниб, сув омбори мажмуиси (етти иншоотдан иборат) қурилди. «Мўйноқ» канали бошланиши қисмида ҳам сув тақсимлагич барпо этилди. 35 километрли масофада мустаҳкам дамба қурилди. Бу юмушларни «Сувқурилиши» ва «Мўйноқ сувқурилиши» ҳиссадорлик жамиятлари, «Қорақалпоқтранс»нинг бўлинмалари автоулов ҳайдовчилари қисқа муддатда, сифатли қилиб амалга оширдилар. Йил охиригача Оролбўйида 104 минг гектарли ўзига хос сунъий денгиз ҳосил қилинади ва йирик балиқчилик ҳамда қимматбаҳо мўйна етиштирувчи хўжаликларни ташкил қилиш имкони туғилади. Балиқ овлаш йилига 1.200 тоннага етади. Чорвачиликни ривожлантириш учун мўл-кўл озуқа базаси яратилади. Минг нафарга яқин киши муқим иш жойларига эга бўлишади.

Бир пайтлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳур бўлган Мўйноқ балиқ консерва комбинати қайта иш бошлади.

- Корхонамизнинг қайта иш бошлаши қувонарли, - дейди комбинат директори Довулбой Хидирниёзов. - Тўғри, ҳозирча маҳсулотнинг кўп қисми бошқа ҳудудлардан, асосан Навоий ва Хоразм вилоятлари балиқчилик хўжаликларидан келтирилмоқда. Йил охиригача 160 миллион сўмлик консерва тайёрланади. Айни пайтда бу иш билан 240 нафар тажрибали ишчи шуғулланмоқда. Биз сув ҳавзаларида балиқчиликни кескин кўпайтиришнинг истиқболини ўйлаб, корхонанинг 12 та цехини таъмирладик, баъзиларини қайта жиҳозладик. Ички кўл ва сув ҳавзаларида балиқ овлаш ҳажми ортиб, комбинатимизда ишловчилар сони 4 баробар кўпаяди. Маҳсулот тайёрлаш миқдори ошади. Демак, Мўйноқда ҳаёт янада қайноқ бўлади.

Директор ҳақ. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Фармон ва моҳият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони моҳияти маҳалла ҳаётига сингиб бормоқда

Маҳалламиз майдони кенг...

Маҳалла азалдан қадриятларимиз, маънавиятимиз ўчоғи ҳисобланади. «Бир болага етти қўшни ота-она» деган мақол ҳам бежиз юзага келмаган. Бироқ мустақилликдан сўнг маҳаллаларимиз қиёфаси ва уларнинг ҳаётимизда тутган ўрни тубдан ўзгарди. Ҳозир республикамизнинг қайси бир гўшасига борманг аҳоли учун барча керакли шарт-шароитлар яратилган замонавий гузарларни кўриб кўзингиз қувнайди. Ҳатто юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар ҳам дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бундай ажойиб тузилма йўқлигини ҳавас билан таъкидлашади.

Илгарилари маҳалла ва спорт тушунчалари қандайдир бир-бирига ўгайдек эди. Зеро, мустақилликдан олдин бундай муҳим масалаларга деярли эътибор қаратилмасди. Эндичи, маҳаллалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомини олиши, нуфузларининг ҳам тобора ошиб бориши билан бир қаторда маҳаллаларда, айниқса ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга жуда муҳим эътибор қаратилмоқда.

Бу борада оддий бир мисол келтирадиган бўлсак, ҳозирги кунда маҳаллалар болалари ўртасида ўтказиладиган «Футболимиз келажаги» мусобақалари ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Бугунда болалар футбол жамоаси тузилмаган бирорта маҳаллани топишингиз амри-маҳол. Ушбу турнир қанчалик кўп ёш иқтидорларни кашф этиб, катта спортга тайёрлаётганидан ҳам хабардормиз, «Футболимиз келажаги» мусобақалари илк бор ўтказилган 2000 йилни оладиган бўлсак, ўшанда республикамиз миқёсида жами 100 минг нафар бола иштирок этганди. Бу йил-

ги мусобақаларда эса ўз кучини 1 миллион 200 мингга яқин бола синаб кўрди. Республикамиздаги мавжуд 8160 та маҳалланинг баъзиларида ёш тоифасига қараб ҳатто уч - тўртталаб талаб жамоалар тузилди. Энг муҳими, жойларда туманлар ҳокимликлари, йирик корхоналар ҳам мукофотлар тавсия этган ҳолда футбол мусобақаларини ўтказяпти. Олимпия ўйинларида «Муҳими, ғалаба эмас қатнашиш», деган шиор ҳукм суради. Бу демак «Футболимиз келажаги» турнири орқали миллионлаб болажонларимизнинг спортга ошно бўлиши, улар соғлом, пишиқ-пухта ўсаётганидан далолатдир.

Ўзбек кураши бўйича «Маҳалламиз паҳлавони» мусобақаси бу йил биринчи марта ташкил этилган бўлса-да ташкилий жиҳатлари билан маҳаллаларимиз ёшларида катта қизиқиш уйғотди. Ушбу мусобақалар 5717 та маҳаллаларда ташкил этилиб, 90 мингдан ортиқ ёш курашчиларни гиламга чорлади.

Шунингдек, шахмат-шашка бўйича маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларнинг ҳам оммавийлиги тобора ошиб бормоқда. Бундан ташқари жойларда турли байрамларда волейбол, тош кўтариш, мини-футбол, теннис, баскетбол каби спорт турлари бўйича тез-тез мусобақалар ўтказилиб турмоқда.

Жойларда маҳаллалар тадбиркорлари, оқсоқоллар саъй-ҳаракатлари билан спорт иншоотлари қад кўтараётгани ҳам кўзни қувонтиради. Айниқса, Тошкент шаҳри маҳаллаларидаги маҳалла стадионларини намуна сифатида кўрсатса арзийди. Масалан, Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров, Собир Раҳимов туманидаги Чиғатой оқтепа, Сирғалидаги Ёшлик маҳаллаларида барча қулайликларга эга спорт мажмуаларини ҳомийлар топиб, ўз кучлари билан ҳашар йўлида бунёд этдилар. Ҳозир ушбу маҳаллалар стадиони доимо ёшлар билан гавжум. Ўғил-қизларимиз ўқишдан бўш пайтларида баскетбол, валейбол, футбол, кураш билан доимий шуғулланмоқдалар.

Ўйлаймизки, Президентимизнинг, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон ва қарори маҳаллаларда спортнинг янада ривожлантириш учун муҳим қанот бўлди. Эндиликда болажонларимиз орасидан келгусида янада кўпроқ чемпионлар чиқиши, олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида спортчиларимизнинг ғалабалари шарафига юртимиз мадҳияси мунтазам янграши учун кенг имкониятлар пайдо бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

БЕШҚОЗОҚНИНГ АҲИЛ ФАОЛЛАРИ

Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 5 та маҳаллада олиб борилаётган ишларнинг ҳам кўлами кенг. Бешқозон маҳалласи оқсоқоли Ҳабибулло Ражабовнинг элпарвар ва тадбиркорлигидан барча мамнун.

- Аҳоли юз фоиз тоза ичимлик суви ва газ билан таъминланган, - дейди Ҳабибулла ака. - Маҳалланинг ўзида муҳтож хонадонларга ҳар уч ойда тўланадиган моддий ёрдам 5200 сўмни ташкил этади. 223 та 18 ёшга тўлмаган ёшларга нафақа тайинланган. Яқинда ширкат хўжалигимиз ҳисобидан 12 нафар қарияларимизга бироз маблағ, буғдой ўрими пайтида 50 килограммдан буғдой тарқатдик. Кам таъминланган, ночор, қаровчисиз кишиларга эса кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари билан бегараз ёрдам бериб бормоқдамиз.

Маҳалла гузарида олиб борилаётган қурилиш ишларида кўрсатаётган Тоғаймурод Ғанибов, Бурхон Ҳуррамов, Азим Ахмедов, Маннон Ҳайдаров, Шукур бобо Ахмедов каби фаолларнинг меҳнати мақтовлидир.

Маҳалла аҳлининг аҳиллиги барча ҳавас қилгуликдир. Ҳар бир ишнинг кўнгилдагидек бўлишида ана шу аҳилликнинг самараси катта бўлмоқда.

Марям АХМЕДОВА.
Қашқадарё вилояти Китоб тумани.

РУКН Меҳр - оқибат

Маҳаллангдаги яхшилар

Биз истараси иссиқ, ширинсухан бу йигитни кўп йиллардан буён унинг амалга ошираётган хайрли юмушлари, янги иш ўринлари яратиш борасидаги изланишлари орқали яхши биламиз. У бошчилик қилаётган «Ўткир» хусусий фирмаси Янгийўл шаҳри ва тумани аҳолисини пишган ғишт билан таъминлайди. Ҳар бир ишчи ўз ишига масъулият ҳисси билан ёндошаётганлиги туфайли ойлик режалар ортиғи билан адо этилаётир. Ғишт заводига қарашли ҳудудда учта чойхона, ошхона, ресторан, яқинда иш бошлаган бозор маҳалла аҳолисига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Болалар боғчаси, шифохона, дорихона, алоқа бўлими хизматидан кўпчилик мамнун. Ишчи-хизматчиларнинг маош ва рағбатлантириш пуллари белгиланган муддатда тўлаб борилаётгани ҳам меҳнат суръатини оширишга омил бўляпти. Фирма атрофи ободонлаштирилган. Яқинда шаҳардан «Нау» қишлоғигача йўллар асфальтланди. Ўткир Маҳмудов бошлиқ фирма ҳисобидан шаҳар марказида тўй ва бошқа маросимларни ўтказишга мўлжалланган 500 ўринли ошхона тўла жиҳозланиб фойдаланишга топширилгани ҳам хайрли иш бўлди.Бу бинода шаҳарликлар, маҳаллалар ўз тадбирларини ўтказмоқда. Айниқса, ўтган йилги Президент арчаси тадбири вилоят бўйича шу ерда ўтказилганлиги болажонлар ёдида. Мазкур корхонада ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган 25 нафар қарияга ҳар ҳафтанинг чоршанба куни ош қилиб берилади. Харажати эса фирма ҳисобидан.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, жамоа аъзолари хонадони ва Муқимий маҳалласида яшовчи фуқаролар бошига ташвиш тушса у кимлигидан қатъий назар, сарф-харажатлар фирма ҳисобидан қопланади. Яқинда шаҳар ҳудудидаги маҳаллалар, масжитларнинг ҳар бирига шакар, гуруч, ун, асал ва ёғ тарқатилгани ҳам ибратлидир. Ушбу маҳсулотлар маҳаллалар фаоллари томонидан кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Кўпчилик дуосига сазовор бўлаётган фирманинг саховати, меҳр-оқибатлилиги шу билан кифояланмайди. Масалан, ҳар йили Наврўз байрамларида 60-85 нафар кичкинтойнинг суннат тўйини ўтказиб бераётир. 9 май Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан кексаларга, ногиронларга аталган мурувват совғаларини Уткиржон ҳечам канда қилмайди.

Толибжон ЮСУПОВ,
Янгийўл шаҳар Фарҳод маҳалла фуқаролар йиғини аъзоси, меҳнат фахрийси.

РУКН Мулоқот

ЭЗГУ ИШЛАРГА ҚОДИР ЭЛ

Одамлари содда, бағрикенг. Маҳаллаларига кирсангиз баҳри дилингиз очилади. «Ҳамма ҳикмат покизаликда» деб тушунадиган бойсунликлар ҳовлижойларини ораста сақлашади, ҳашар уюштириб ниҳоллар экишади, гулзорлар яратадилар. Муҳтож хонадонларга хайру эҳсон улашиш ҳам бойсунликларга хос одат. Бу ерда одамларнинг дардини тинглагувчи, имкон қадар уларни қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар ҳам кўп. Шунинг учун кейинги йилларда кишиларнинг турмушига файз кирди. Айниқса қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида катта силжишлар рўй берди.

Хидир ЧОРШАНБИЕВ,
Бойсун тумани ҳокими биринчи ўринбосари

Табиати сўлим, булоқлари шифобахш, дашту қирларида минг дардга даво гиёҳлар ўсадиган Бойсун тумани Сурхон воҳасидаги энг гўзал маскан саналади.

Кишиларимизнинг кайфияти ҳар доимгидан кўра баланд. Маълумки, кайфият соз бўлса иш ҳам унумли бўлади.Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқ тиббиёт шаҳобчалари, мактаб, боғча ва гузарлар қурилишини тезлаштириш, мавжуд бўлганларини замонавий кўринишда жиҳозлаш ишларига етарлича эътибор берилаяпти.

Қаердаки иқтисодий муаммолар бартараф қилинса, ўша жойда ижобий силжишлар рўй беради. Кейинги йиллар ичида туман аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари деярли ҳал этилди. Бойсунни саноатлашган туманга айлантириш мақсадида чет эллик сармоядорларни жалб этмоқчимиз. Ўзаро ҳамкорликда қўшма корхоналар очсак, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони яратилади. Айни пайтда тумандаги иккита қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Келгусида эса Бойсун кўмирини қайта ишлаш эвазига киши соғлиғи учун ниҳоятда фойдали ҳисобланган фаоллаштирилган кўмир ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, Кофрун йўли устида барпо этилаётган сув омбори битказилса, суғориладиган майдонларимиз кенгаяди, ҳосилдорлик бир неча ҳиссага кўтарилади, халқимизнинг моддий фаровонлиги янада яхшиланади. Бу юмушларнинг ҳар бирини адо этишда қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролари йиғинларининг хизмати катта. Яқинда Чорчинор, Инкабод, Қорабўйин маҳаллалари аҳли муқаддас зиёратгоҳларни ободонлаштириш ташаббуси билан чиқдилар. Катта ҳашар уюштирилиб, қисқа вақт ичида Хўжабулғон, Омонхона, Бибиширин, Хўжа Сурхпўши Вали сингари зиёратгоҳ масканларда халқ усталари қўмагида янги мақбаралар ўрнатилди.

Бу хайрли ва савоб юмушга тумандаги 35та маҳалла ва 7та қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳли бош қўшишди. Умуман, бойсунликлар ҳар ишни ҳамжиҳатлик ва ўзаро маслаҳат асосида амалга оширишади. Ана шундай ҳамжиҳатлик самараси ўлароқ ушбу йилда Мунчоқ маҳалласи газлаштирилди. Ҳашар йўли билан 13 километр узунликда табиий газ қувурлари тортилди.

Пулҳоким, Газа, Инкабод, Даштиғоз, Хўжабулғон каби ўнлаб маҳаллалар оқсоқоллари ҳашар йўли билан катта ҳажмдаги ишларни бажаришда фидойилик кўрсатишаётир.

Маҳаллаларимизда маънавият ва маърифат хоналари мавжуд. Меҳнаткашларимиз ана шундай хоналарда матбуот нашрларини ўқиб туришади, мутолаадан сўнг баҳс-мунозаралар қизийди. Маҳаллалар ҳаётини акс эттирувчи «Mahalla» газетасининг Бойсунда ўқувчилари кўп. Мен ўзим ҳам бу газетани ҳамиша қониқиш билан ўқиб чиқаман, газета материаллари асосида баъзан кундалик режалар ҳам белгилаб оламиз.

Азалдан маълумки, илмли ва истеъдодли фарзандлар она юртнинг довруғини эллар аро ёяди, шаънини улуғлайди. Бойсундан машҳур полвонлар, моҳир чавандозлар, ажойиб ҳунармандлар етишиб чиққан. Истиқлол йилларида халқимиз ўз қадриятларини қайта тиклашга эришди. Эндиликда маҳаллаларимизда косибчилик, каштачилик, заргарлик, мисгарлик, темирчилик ва дурадгорлик сингари ўнлаб ҳунар турлари ривожлантирилмоқда. Шуҳрат қозонган халқ бахшиларига эргашаётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Санъатни улуғловчи бойсунликлар унутилган халқ оғзаки ижодига мурожаат этишиб, лапару яллаларга замонавий руҳ бериб куйлашмоқда. Шу йилнинг баҳорида туманимизда «Бойсун баҳори» халқаро фестивали бўлиб ўтди. Ана шу анжуман ўтказилиши олдидан шаҳарда ўн миллион сўмлик ҳажмда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Маҳаллаларда яшовчи ёшу қари борки, бариси бу ҳашарда қатнашди. Фестивал ҳар бир кишининг кўнглига қадимий санъатимиздан фахрланиш туйғусини олиб кирди.

Айни кунларда кишиларимиз янада кўтаринки руҳ билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар соҳада бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, келгусида катта мақсадларни кўзламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларимизда қилинаётган эзгу юмушлар бойсунликларнинг нималарга қодир эканини исботлаб турибди. Улар Бойсунни гўзал масканга айлантириш ва халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш йўлида бундан кейин ҳам ўз кучларини аямайдилар.

Омон ШУКУРОВ
ёзиб олди.

Навоий вилояти

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

ЭЛ КОРИГА ЯРАГАНГА НИМА ЕТСИН

Деҳқон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Раҳима Комилова бу даъватни яхши кўради

У ҳам кўп қатори пенсиясини олиб, фарзанду неваралари ардоғида кексалик гаштини суриб юрса бўларди.

Аммо у бугунги кунда янада фаоллашган. Неваларининг таърифларига кўра «Бибижонлари ўз хонадонида «квартирант», фақат тунда ётиш учунгина келади уйига».

- Тўғрисини айтсам, маҳалла оқсоқоли бўлиш эркак кишининг иши, деб юрардим, - дейди у. - Лекин... Маҳалладошларимнинг сўзларини ерга қўя олмадим. Бунинг устига ўзим ҳам ишламасдан туролмасдим.

Хуллас, иш бошладик. Фаолларга суяндим. Кўп кўнглига йўл топишга ҳаракат қилдим. Ўз олдимга эса бир ишни мақсад қилиб қўйдим: «Ортимда из қолсин. Маҳалламизни обод қилайлик». Бунинг учун гузар барпо этишни, ҳатто бутун Кармана тумани учун муаммо бўлган ҳаммом қуришни, айниқса, ўсмирлар бандлиги, тўғри тарбияси ва саломатлигини таъмин этадиган спорт майдончаси, кейинчалик спорт мажмуи яратишни режалаштириб олдик.

Маҳалла аҳли фикримизни қўллаб-қувватлади. Ҳудудимизда ташландиқ ердан ана шу қурилишлар учун жой танланди. Тадбиркорлар орасидан: «Баҳоли қудрат ёрдам бераман», деганлар топилди.

Минг шукур, қисқа муддат ичида гузарнинг дастлабки бинолари тикланди. Бундан ташқари, Қариялар чойхонаси ва ҳаммом ҳам қурилиб, иш бошлаш арафасида турибди. Спорт мажмуини қуриш учун саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.

- Хабаримиз бор. Туман ва вилоят маҳаллалари орасида тажрибангиз бир неча бор оммалаштирилган. Лекин ўзингиз ҳам фаолиятингиз давомида кимдандир нималарнидир ўрганиб - сабоқ олган бўлишингиз керак?

- Тўғри айтдингиз. Қизим Тошкент шаҳрида истиқомат қилади. Ҳар гал борганимда уларнинг маҳалласи ҳаётига, фаолиятига қизиқиш билан қарайман. Кейин Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбариятининг бевосита ёрдами билан Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги маҳаллаларда бўлиб тажриба ўрганиб келдим.

Очиғи, биз улардан жуда кўп нарса ўрганишимиз даркор. Компьютерлашган иш-идоралари бор экан. Биз ҳам шундай қулай шароит яратишга интиламиз. Чунки ҳаракатда - баракат, деб бекорга айтишмаган. Мен маҳаллам одамларига ишонаман. Ҳудудимизда ишнинг кўзини биладиган ва саховатпеша - Т.Саидова, Б.Ҳамроева, Ж.Баҳронов, У.Шодмонов, Р.Эргашев, М.Йўлдошев каби тадбиркорларимиз бор.

У айниқса, маҳалла аҳлининг бошини бириктириб, ҳашарларда, умумхалқ байрамларида иштирок этишни ўрнига қўяди.

У.Пардаев, М.Латипов, Б.Очилова, Б.Шарипова, М.Файзиев, Р.Файзулин, Б.Қурбонов каби жўяли маслаҳат бера оладиган оқсоқолларимизга суянаман. Биргалашиб астойдил интилсак, кўзлаган мақсадимизга албатта етамиз.

Раҳима опа Комилованинг сўзлари шунчаки гап эмас. Чунки у қайси ташкилотда, қайси соҳада ишламасин, ўша ерда, ўша ишда янгиликка интилган, жонбозлик кўрсатган. Масалан, опа республика миқёсида ташкил этилган «Тўй либослари» кўрик-танловида вилоят вакили сифатида иштирок этиб, «Юксак дид соҳибаси» номига сазовор бўлди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломованинг қўлидан «Фахрий ёрлиқ» олаётганда барча заҳмату меҳнатлари, ранжу риёзатлари эсидан чиқди.

У айниқса, маҳалла аҳлининг бошини бириктириб, ҳашарларда, умумхалқ байрамларида иштирок этишни ўрнига қўяди. Ўтган йили тарихий ёдгорликлар сирасига кирувчи Қосим шайх мажмуасини тўла таъмирлаш учун ҳудудда катта ишлар қилинди.

Қарияларни қадрлаш йилида 120 га яқин қария ва уруш иштирокчиси бир пиёла чойга таклиф этилиб, совға-саломлар қилинди. 45 нафар қария Ал-Бухорий мажмуасига бепул бориб-келиши таъминланди. Бунда тадбиркор И.Маҳмудовнинг шахсий автобусидан фойдаланилди. Шунингдек, унинг жонкуярлиги, югуриб-елишлари билан 6 нафар кам таъминланган хонадон газ, сув, электр тўловларидан озод қилинган. Яна уларга туман ижтимоий таъминот бўлимидан ой сайин бепул озиқ-овқат маҳсулотлари бериб турилибди.

- Раҳима опа, барибир маҳалла етакчисининг дарду ташвишлари фақат юқоридагилардан иборат бўлмаса керак. Умуман, ҳар бир инсоннинг ўзи бир олам.

- Рост. Очиғини айтсам, маҳалла фаоли С.Мамадиёров, хотин-қизлар кенгаши раиси Ш.Норқулова билан бирга ҳар бир хонадонга кириб чиққанмиз. Мақтанишга йўйманг, барчасининг дарду қувончларини яхши биламан. Айниқса, нотинч хонадонлар билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратамиз. Яраштирув комиссияси аъзолари билан улардан тез-тез хабар олиб турамиз. Ишсизлар сони 96 тадан 28 тага тушди.

Муқаддам судланганлардан ҳам 6 нафарини ишга жойлаштиришга эришдик. Айниқса, зарурат туғилганда диний экстремизм ва терроризм ҳамда ичкиликбозликка қарши уйма-уй юриб, ошкора суҳбатлар уюштирдик.

Фикримизча, энг аввало хонадонларда тинч ва соғлом муҳитни қарор топтириш лозим. Чунки хонадон тинч бўлса, юрт тинч бўлади...

Туману вилоят ҳокими қабулида тўладан келган, истараси иссиқ бир онахонни кўрсангиз, адашмабсиз. У - Раҳима опа. Қай бир йирик корхона раҳбари қабулхонасида шундай аёлга дуч келсангиз. У ҳам ўша биз билган маҳалла саркори - Комилова.

Бирор бир тадбиру анжуман учун ёки ташаббус изидан бориб, сафарга отланган Р.Комиловани ҳам тез-тез учратиш мумкин.

Энг муҳими, у бундай кезларда маҳалла муаммосини ечиш учун банд, шунга дахлдор масалаларни кўтариб юрган бўлади.

Умуман, бугун фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларида Раҳима опалар кўпайса, маҳаллалар мисолида Президентимиз кутган, халқимиз кутаётган янгиланишлар рўй беради, деб ўйлаймиз.

Салима УМАРОВА.

ҲАР ЖАБҲАДА ПЕШҚАДАМ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли Собиржон Комилов тизимдаги ҳар қандай янгиликни биринчилардан ўз маҳалласи ҳаётига татбиқ қилишга ошиқади. Кейинги йилларда бу маҳалла Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви томонидан республика миқёсида эълон қилинган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Оқсоқолнинг ўзи «Энг тадбиркор оқсоқол», «Энг ибратли оқсоқол» ва яқинда якунланган «Миллий қадриятлар ва Конституциямизни тарғиб қилишда энг фаол қатнашган оқсоқол» республика кўрик-танловларининг ғолиби бўлди.

- Келаётган йилимизнинг «Обод маҳалла» йили деб эълон қилиниши бизни маҳаллаларимизда бугунга қадар бу борада амалга ошираётган тадбирларимиз кўламини янада кенгайтиришга ундайди, - дейди оқсоқол фахр билан.

ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз аҳли ҳуқуқий демократик давлат қуриш асоси, халқ манфаатларини ўзида акс эттирган Асосий Қонун - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигини тантанали равишда нишонлади.

Конституциямизда халқимизнинг тинч ҳаётини, суверенитетини, миллий хавфсизлигини таъминлаш, давлат мустақиллиги ва Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Бу масалалар Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кенг баён этилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, тамоман янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси бир неча йилдан буён бизнинг диққат марказимизда турибди. Ислоҳотнинг асосий мақсади - ҳақиқий профессионал Қуролли Кучларни тузиш, ҳарбий хизмат ёшидаги ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз Конституцивий бурчини адо этишдангина иборат бўлмасдан, балки нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Таъкидлаш керакки, Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмаларини, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш бўйича сўнгги йиллар мобайнида кўлами ва аҳамияти нуқтаи назаридан улкан ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий бошқарув тизимини, ташкилий штат таркибини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди, миллий офицер кадрларни тайёрлаш борасида катта ишлар қилинмоқда, ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг бутунлай янги шакллари - сержантлар мактаби, тайёрлов марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Қисмларнинг жанговар тайёргарлигини юксалтиришда жанговар ҳаракатларнинг янги услублари қўлланилмоқда, ҳарбий алоқаларни кенгайтириш йўлида ривожланган мамлакатлар Қуролли Кучларининг илғор тажрибаларидан фойдаланилмоқда.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Маълумки, эртага иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Унда депутатлар бошқа муҳим масалалар билан бирга «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун /янги таҳрири/ лойиҳаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилади.

Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси олдидан ЎзА мухбири Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ офицерлари, шунингдек, отаоналар, чақирилувчи ёшлар билан суҳбатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чақирув ва резервистлар тайёрлов бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Б.МИРЗАМУҲАМЕДОВ:

- Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида мамлакатимиз Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан фуқароларни муддатли ҳарбий хизмат ва муқобил хизматга чақирув ишлари борасидаги бугунги ҳолат жуда ўринли таҳлил қилинди. Президентимиз таъкидлаганидек, соғлиғи ва бошқа жиҳатларига кўра муддатли ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар сони хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йигитлар сонидан анча кўп. Табиийки, бу ҳол субъективизм учун қулай имконият туғдиради.

Сессияда Президентимиз айтиб ўтганидек, ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун 1992 йили қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиладиган бўлса, ёш йигитнинг батафсил билим олиши, энг замонавий қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун ўн икки ой кифоя. Шу билан бирга ёш йигит ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиши учун, келажакда қай бир касбни танлаши учун ҳам ушбу муддат етарли бўлади. Муддатли ҳарбий хизматнинг ўн икки ой белгиланиши ҳаёт мактаби деб аталмиш ҳарбий тайёргарликдан ўтган резервистлар сафини кенгайтиради, кўп сонли ёш йигитларда қатъиятлиликни шакллантиради, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади. Номи зикр этилган қонунларнинг ўзгартирилиши халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Буни Мудофаа вазирлигимизга бўлғуси Ватан ҳимоячилари ва уларнинг ота-оналаридан келаётган мактублар, чақирилувчилар ўртасида ўтказилган социологик сўровларда мазкур қонунларга ўзгартиришлар киритиш борасидаги таклиф маъқулланиётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Яқинда тугалланган кузги чақирув натижалари ҳам буни яққол исботлади. Чақирув мавсуми мобайнида барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларига чақирилувчилар ўз қалб амри билан ҳозир бўлди. Чақирилувчиларнинг аксариятини олий ва ўрта махсус билимга эга йигитлар ташкил этганлиги янада қувонарли ҳолдир.

Марказий ҳарбий округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ф.АБДУЛЛАЕВ:

- Бизнинг ҳарбий округимиз шахсий таркиби ҳам Олий Мажлис тўққизинчи сессияси материаллари, айниқса, Президентимиз маърузасини диққат билан ўрганиб чиқди. Ҳарбий хизмат муддатининг ўн саккиз ойдан ўн икки ойга қисқартирилиши, ҳарбий хизмат ва мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга йўналтирилган барча таклифларни қўллаб-қувватлаймиз. Президентимизнинг «Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш -Ўзбекистонимизнинг келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир», деган сўзларини ҳар бир офицеру аскар ўз олдида турган буюк вазифа дея қабул қилди. Биз мустақил давлатимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратимиз ва билимимизни асло аямаймиз.

76 ёшли фарғоналик отахон М.ТОШПЎЛАТОВ:

- Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасини телевизор орқали диққат билан эшитдим. Маърузадаги ҳар бир сўз менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Мустақил давлат эканмиз, ўзимиз ўзимизни қўриқлашимиз лозим, бизга кўз олайтирадиган ҳар бир ғанимга муносиб зарба бера олиш бизнинг вазифамиз ва бурчимиздир. Шундай экан, армиямизни кучайтириш, қудратини оширишга катта эътибор қаратишимиз керак. Президентимиз ўз маърузасида шу масалага - профессионал армияга ўтишга катта эътибор қаратди. Бу - халқимизга қувонч ва ишонч бағишлайди. Фарзандларимизнинг армияда ўн икки ой хизмат қилиб, запасдагилар сонининг кўпайиши ҳам жуда муҳим деб биламан. Шу нуқтаи назардан Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан ҳарбий соҳа бўйича ўтказилаётган барча ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз.

Олмалиқ шаҳрида яшовчи уй бекаси Р.ҲАФИЗОВА:

- Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида муҳим қонунлар қабул қилинади. Ҳарбий соҳада янги таҳрирда қабул қилинадиган қонунга мувофиқ фарзандларимиз келгуси йил баҳоридан бошлаб энди армияда бир ярим йил эмас, бир йил хизмат қилади. Бундан биз, отаоналар жуда мамнунмиз. Негаки, ҳар ҳолда болаларимиз бағримизга олти ой олдин қайтиб келади. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ҳарбий йўналишдаги қонунларга ўзгартиришлар киритилиши халқимиз дилидаги иш бўлди.

Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаб битирувчи синф ўқувчиси Ш.МУЗАФФАРОВ:

- Мен ҳам, барча тенгқурларим қатори, Олий Мажлиснинг ўтган сессияси материалларини, хусусан, Президентимиз маърузасини газетадан яхшилаб ўқиб чиқдим. Билдимки, келгуси йилнинг баҳоридан бошлаб ҳарбий хизмат муддати бир йил бўлар экан. Ишонч билан айтаманки, бу - биз учун жанговар қуроллар ва техника сирларини ўрганиш учун етарли муддат. Менинг мақсадим - мактабни тугатгач, албатта аскар бўлиб, Ватанимга хизмат қилиш, уни ҳимоя қилишни мукаммал ўрганиш. Муддатли хизматдан кейин шартнома бўйича хизматда қолиш ва профессионал ҳарбий бўлиб етишиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ хизматчиси, оддий аскар С.САЙДАҲМЕДОВ:

- Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасини телевизорда бўлинмамизнинг барча шахсий таркиби билан тингладик. Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий ислоҳотлар борасида таклифлари ҳаммамизда жуда катта таассурот қолдирди. Юртбошимиз маърузасини тинглар эканмиз, менинг ҳам, барча сафдошларимнинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилди. Сабаби - маърузадан Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан мустақил давлатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга жуда катта эътибор берилаётганини яна бир бор билиб олдик. Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони таъкидлаганидек, ҳарбий кишига - қўлида жанговар қурол билан Ватанимиз сарҳадларини, мустақиллигини туну кун ҳимоя қилаётганларга катта эътибор кўрсатилмоқда, улкан ғамхўрликлар қилинмоқда. Биз бунга жавобан барча куч ва маҳоратимизни, билимимизни Ватан ҳимоясига бағишлаймиз. Лозим бўлса, халқимиз, юртимиз учун жонимизни ҳам аямаймиз. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотларни сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз ва уларни амалга оширишга ўз улушимизни қўшамиз.

(ЎзА)

МУЗ СОВУҚ УРИШИДАН САҚЛАЙДИ

Олмониянинг Подстам музофотидаги мутахассислар баҳорда бирдан совуқ тушиши натижасида олмазорлар шикастланишининг олдини олиш учун муздан фойдаланмоқдалар.

Улар олма новдалари ва гулкосаларига муз «қўйлаги кийгизиб» қўядилар. «Кўйлак» уларни 9 даража совуқдан ҳам бемалол асрайди. Уларни музлатишда оддий сув пуркагичдан фойдаланишади, яъни кўчатларга совуқ сув пуркалади, сув эса ҳавода аста музлайди ва кўчат новдаларида керакли ҳароратни «ушлаб» туради.

Муз уларнинг куртакларини минус 0,5 даражагача совутади холос. Бу эса уларга ҳеч қандай зарар етказмайди.

КУЙЛОВЧИ КРУЖКАЛАР

Кейинги вақтларда Мюнхендаги пивохоналарнинг биридан одамлар аримай қолди.

Бунга сабаб, ушбу пивохонадаги антиқа кружкалардир. Кружкани кўтариб, оғзингизга яқинлаштиришингиз билан ундан халқ куйини эшитасиз, столга қўйишингиз билан эса куй тўхтайди.

КАМБАЛА СОВУҚ УРУШИГА ҚАРШИ

Америқолик фермерлар кўпинча бевақт келган совуқдан нолишади. Чунки бор ҳосилни йўққа чиқаради-да у.

Эндиликда эса экинларни совуқ урушига қарши курашиш йўли топилди. Маълум бўлишича, камбала балиғида табиий «антифриз» бор бўлиб, у ҳарорат нол даражадан бир қанча паст бўлган тақдирда ҳам балиқ танасидаги қоннинг музлаб қолишига йўл қўймайди.

Луизана дорилфунуни олимлари балиқдаги бундай генни ўсимликларга ўтказиш бўйича тажриба олиб боришмоқда. Уларнинг фикрича, бу «антифриз» совуқда ўсимлик толаларида пайдо бўлувчи музларни парчалаб ташлаш хусусиятига эга.

Тамаки устида олиб борилган биринчи тажрибанинг натижалари ҳар қалай одамларни қувонтирди. Тамаки 8 даража совуққа ҳам бардош берди.

РУКН Одамийлик сабоқлари

Ҳожи Аҳмаджон БОБОМУРОД

ВАҚТЛИ ТУРИШ ФАЗИЛАТИ

Пайғамбаримизнинг «Ё Аллоҳ! Менинг умматларимни вақтли қилган ишларида, вақтли ҳаракатларида барака бергин» деб умматлари ҳақига дуойи хайр қилганлари мусулмонлар учун дастуриламал бўлиб қолган (Абу Довуд Термизий ривоятлари).

Шунинг учун ота-боболаримиз вақтли ётиб, вақтли туришга одатланганлар, фарзандларини ҳам шунга ўргатганлар. Қизлар, келинлар кўча-кўйга сув сепиб, супуриб-сидирган, ҳовли ва уйларни йиғиштирган. Чунки уларга шундай тарбия беришган. Кечқурун эса шом бўлиши билан болаларини уйга чорлашган.

Севикли пайғамбаримиз маст қилувчи нарсани ҳаромдир, деганлар. Шу билан алкоголизмни, гиёҳвандликни ва маст қилувчи ҳар қандай нарсани таъқиқлаб, инсониятнинг наслнасаби, ахлоқи ва охирати ҳақида қайғурганлар. Ҳозирда бу нарсага амал қилинмаслиги оқибатида не-не инсонлар залолат ва тубанлик ботқоғига ботиб қолганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мазкур ҳадисга риоя қилсак, жуда кўп муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиши мумкин. Кузатувимизга кўра, ҳозир баъзи ёшларимиз ҳам маст-аласт бўлиб, беодобона қилиқлар қилиб, кечалари дайдиб юришлари натижасида маънавияти бузилиб, турли хасталикларга чалинмоқдалар.

Ёшлар ўртасидаги гиёҳвандлик, ўғрилик, бошқаларнинг мол-мулкига тажовуз, фоҳишабозлик каби салбий иллатлар ярим тунгача бар, ресторан, дискотекаларда маишат қилиб, энг хунуги баъзи кабель телевидениелар орқали берилаётган ахлоқбузар киноларни кўриш каби бебошликларнинг натижаси эмасмикин? Хизмати тақозо этмаса қандай ақлли инсон ярим кечагача кўчада дайдиб юради? Динимиз ҳам, замонавий таълимтарбия ҳам ёшларнинг бундай бебош юришларини қоралаган, уларга энг фойдали, ҳаётий маслаҳатлар берган. Саёқ юриш ўрнига вақтли туриш, илм ва касб-ҳунар эгаллаш, ҳалол турмуш кечириш, жамиятни фаровонлаштиришга ҳисса қўшишни тарғиб этган.

Имом Табаронийнинг Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ризқ талабида эрта ҳаракат қилинглар, чунки эрта ҳаракат қилишда барака ва нажот бордир». Бошқа бир ҳадисда эса: «Тонг отганда ухламоқлик, ризқни қайтарур» деганлар. Пайғамбаримизнинг қизлари Фотима онамиздан шундай ҳикоя қилинади: «Бир кун бомдод намозидан кейин ухлаб ётганимда расулуллоҳ келиб қолдилар ва мени туртиб уйғотдилар ва: «Эй қизалоғим, ўрнингдан тургин, роббингни сенга берадиган ризқига шоҳид (гувоҳ) бўлгин, ғофиллардан бўлма. Зеро, Аллоҳ таоло одамларнинг ризқини тонгдан қуёш чиққунча тақсимлайди» **(Байҳақий ривояти)**.

Агар биз чуқур тафаккур ва тадаббур билан қўни-қўшниларимизнинг ҳаётига разм солсак, қайси хонадон эгалари вақтли туриб, тирикчилик ҳаракатларини бошлаган бўлса, бу оилада хайру барака, меҳру оқибат, иттифоқлик ҳукм сураётганини ва аксинча қайси хонадон эгалари қуёш чиққунча ётиб, рўзғор ташвишларини кеч бошлаган бўлса, уларда хайру барака йўқлиги, ночорлик, хонадон аҳлининг парокандалигини, иттифоқсизлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳазрат Алидан айтилган ҳадисда ҳам пайғамбаримиз қуёш чиққанидан кейин ухлашдан қайтарганликлари битилган. Ҳадисларнинг мазмунига кўра эрта туриб, ҳаракат қилишда хайру барака ва ажру савоблар кўплигининг гувоҳи бўламиз. Бу диний ҳикматларнинг мазмунига амал қилиб келган аждодларимизнинг маданияти олий чўққиларга чиққанлигига тан бермасдан иложимиз йўқ. Аллоҳ бизларни ҳам отаболаримизнинг йўлидан бориб, олий даражаларга эришишимизни насиб этсин. Буюк зотларнинг фарзандлари ҳам аждодларига ўхшаб ақлли, доно, фаросатли, улуғ бўлишлари керак. Ёшлардан умидимиз шу.

РУКН Тарихдан тариқча

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Жалолиддин ҲАСАН

Яксара қисмати

(Тарихий достон)

Яксара аламин йиғидан олар,
Баҳри қон-у ойга термилиб қолар:
«Қайдасан, оймома, йўлимни ёрит,
Шашқатор кўз ёшим, ғамларим арит.
Қайда қолди элим, юртим - Ватаним,
Қани, садқа бўлса унга жон-таним.
Отажоним Ватан, дея, сўйилди,
Онамнинг кўзлари ёшларга тўлди.
Ватан хароб, элим асирдир ёппа,
Хушим кетар ватан, десам шу топда.
Қанотим йўқ элим сари учай десам,
Етолмайман тупроғини қучай десам.

Дейдилар, давлат ҳам, омад ҳам эгиз,
Дард билан ғам эгиз, юрар изма-из,
Қуёш ботиб, шафақ алвонланган он,
Фараснинг жасадин кучиб тўртовлон
Аскарлари кириб келди, ранги йўқ,
Пистирмадан келиб тегибди бир ўқ...
Ҳаёти чироғин шу ўқ ўчирган,
Бўйсунмас руҳини аршга кўчирган...
Яксара соч ёйиб, чекарди фарёд
Фалак зулмидан дод, дер эди, минг дод!

Икки кун тўхтовсиз тутди-ю тўлғоқ,
Дунёга келди бир жажжи чақалоқ.
Чақалоқки, энди тўрт мучаси бут,
Тинмай йиғлар эди лекин ёш вужуд.
Ёришди Яксара кўнгли ҳойнаҳой,
Гўдаги эди-да, мисли тўлин ой.
Тортган азоблари унут бўлганди,
Қучоғи гўёки бахтга тўлганди.
Фарас Афин дея унга қўйди ном,
Жуссасида ўзин кўрди бардавом...
Фарас Афин қувонч бўлди онага,
Дилини боғлади шу ягонага,
Ёлғиз қувонч, метин қўрғон бўлди,
Бахти - тангридан бир сўрғони бўлди.
Соғинган Ватани, элу юртини
Ўйлаб, бедорликда ўтарди туни.
Кўзларига солиб кўзи сеҳрини.
Юрагига жойлар ватан меҳрини.
Соғиниб туғилган азиз элини,
Аллага қўшарди бутун дилини:
«Сени ухлатаман айтиб аллалар,
Қалбим алам ўртар тунги паллалар.
Илтижо этаман эсган елларга,
«Ватан ҳидин етказ», - дея дилларга.
Алла қўзим, алла, алла ёлғизим.
Сен менинг дунёда қолдирар изим.
Ёнган юлдузлардан ўтинчим шудир:
Юртим хизматини қилолмадим бир...
Онажоним сутин оқлай олмадим,
Ватаним эркини сақлай олмадим...
Бир ёр севганим йўқ эди, Ватанда,
Эмасдим эркин қуш худди Ватанда.
Энди қафасда бир тутқун, эрурман,
Аламдан юраги бир хун эрурман.
Ариганда эди кўзимда ёшим,
Чақалоғим ҳамроҳ, чиқди қуёшим...
Бир куни келишди гўёки меҳмон,
Лаош ва Нур Ниса очиқ, иккавлон.
Лаош - Фараснинг чин рақиби эди.
Нур Ниса Лаошнинг ҳабиби эди.
Яксара уларни яхши биларди,
Қўрқиб чақалоғин пинҳон қиларди.
Улар чақалоқни кўрмоқчи бўлди,
Келтирган «совғасин» бермоқчи бўлди.
Яксара хонадан бир чиққани чоқ,
Қабиҳлик «совға»син олди чақалоқ.
Улар тарк этмади Яксара уйин,
Кўрди рўй берганин аянчли ўйин.
Не кўз билан кўрсин шўрлик она, оҳ,
Кўмирга айланиб ётар чақалоқ!
Дод солиб, оҳ уриб бўзлади она,
Оҳ тортди, сўнг ҳуши тарк этди уни,
Душманлари кутиб турарди шуни.
Қора, кир чойшабга ўрашиб дарҳол,
Кўтариб олишди мисоли бир мол.
Уйин топширишди олов домига,
Бор айб Яксаранинг қолди номига:
«Уйини ёндириб қочди Яксара,
Ношукур экан-а ушбу асира!»

(Давоми бор)

МУҲАББИЛАР ТАЪБИРИ

ҚУЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда куч-ғайратингиз тўлиб-тошмоқда. Уни тўғри йўналтира олсангиз катта муваффақиятларга эришасиз.

СИГИР(22.0420.05)
Бир мунча таваккал қилишингизга тўғри келади. Кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларда омадингиз чопади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ҳафтанинг қолган иш кунлари турли битим ва шартномалар имзолаш учун қулай. Ютуқларингизда дўстларингизнинг ҳиссаси бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу ўзгаришлар иш фаолиятингиз билан боғлиқ бўлади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Атрофингиздагиларга эътиборлироқ бўлишга ҳаракат қилинг, улардан ҳам худди шундай ҳурмат-эътибор кўрасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ўз кучингизга бўлган ишонч ва тиришқоқлигингиз ён-атрофдагиларнинг ғашига тегадиган даражада ортиб бормоқда.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ушбу кунлардаги каби қулай вазиятлар тез-тез бўлавермайди, шунинг учун фурсатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳозирча орзулар оғушида яшаб туришингизга тўғри келади. Куч-ғайратингизни келажак учун сақлаб тураверинг, афсус чекмайсиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Аввал ечиб бўлмас муаммодек туюлган юмушларни айни кунларда осонлик билан ҳал этасиз. Шу жумладан рўзғор ташвишларини ҳам.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда эски қадрдонингизнинг катта ёрдами туфайли молиявий аҳволингизни яхшилаб оласиз. Ишга ижодий ёндошинг.

ҚОВҒА (20,01-18.02)
Шу кунларда ҳеч кимдан ёрдам кутманг, ҳар соҳада ҳаттоки турмуш икир-чикирларини ҳал этишда ҳам мустақил бўлишга интилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Оилангизда узоқ кутилган тантанани кўнгилдагидек нишонлайсиз, оила аъзоларингиз сизни қўллаб-қувватлайдилар.

РУКН Қиш тароВати

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ДЕКАБРЬ

БАЛЛАДА



Августа сафарга кетди,
Уч қари қиз - уч сабр
Акасини кузатди -
Сентябрь, октябрь, ноябрь...

Кирди айғоқчи шамол,
Тўзғиган боғ ҳовлига.
Аёзга берди хабар,
Кузкўрғоннинг ҳолидан.

Қиш қўшини - Машварат,
Чўққилар орасида:
«Бир баргга ҳам йўқ шафқат
Аёзнинг ҳамласидан...»

...Лашкар олдида бўрон,
Ер осмон чирпирак!..
Аёз ваҳмидан нолон
Боғлар тўзғир... Жонҳалак.

Дарпардалар ёпилди,
Муз қотади кўчада
Кўзойнаги топилди,
Ариқнинг бир кечада...

Қор учқуни чатнайди,
Зулумотда қор иси.
Қарға совуқ қотмайди -
Қаҳратоннинг жарчиси!..

Уч ойлик туз ҳурматин
Бир кеч унутдинг қарға.
Қақшаган куз қисматин
Кўриб хушнудсан, қарға...

Самоватнинг ҳокими,
Сенмас! Худо каби бир...
Бу кунлар (ҳақнинг ҳукми)
Қисмат эрур, декабрь!

Музлаган боғ изингда
Нечук бунчалар кибр -
Кузнинг учта қизидан
Қўлинг баланд, декабрь

Дилдирар боғ... Қунишди
Эслаб мовий тушларни...
Юрагимга қўнишди
Кеч кузакнинг қушлари.

Елкамдаги тонг оғир,
Қор зарраси учади.
Ўқдан тешилган бағир -
Хазон ерни қучади.

Кузакдай оғрир кўнглим,
Қорбайтларда бир нидо.
Музлаётган уч синглим
Баҳоргача Алвидо...

***

Ёмғирлар - осмоннинг дарди...
Бедаво!
Терлаган боғларга етишмас
Ҳаво.

Юрагимни ёриб чўзилар бунча,
Бу,
Маҳзун наво...
Йиртиқ кўрпа каби
намчил кўчалар,
Қаҳратон қаҳрини
қарғайди - ғазаб!
Дарахтлар бағридан
чиққан қўлчалар
Кўрпага чўзилиб
тортади азоб.
Мен бу маҳзунликда
адашдим узоқ,
Хотирам қабридан
ўрлади кадар...
Сенинг келмаслигинг
билардим, бироқ
Чидаб бўлмаяпти
баҳорга қадар.

РУКН Долзарб мавзу

ЎТ БИЛАН ЎЙНАМАНГ!

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ шу йил 15 ноябрдан мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Эркин ЖУМАНОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

- Фармойишда идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектларини ҳамда уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, республикамизнинг тоифаланган ва ўта муҳим объектларида ёнғин хавфсизлигини пухта таъминлаш борасида долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Қолаверса, мазкур ҳужжатда вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар ўзларига қарашли объектлар ва уй-жой фондининг техник ҳолатини ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан яна бир бор кўриб чиқиши, газ, энергетика ва сув хўжалиги, иситиш асбобларининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор бериши, бу борада аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

Ёнғин хавфсизлиги ойлигининг яна бир муҳим мақсади аҳолига, айниқса, қишда электр, иситиш жиҳозларидан эҳтиёт бўлиб фойдаланишни янада кенгроқ тушунтиришдан иборат. Зеро, ўзбошимчалик билан қўлбола ва носоз электр асбобларини ишлатиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Янги йил байрами кунларида давлат сертификатидан ўтмаган, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган портловчи ўйинчоқлардан фойдаланиш оқибатида ҳам кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимоли кучли. Ҳолбуки, 1997 йилдаёқ Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойиши билан ушбу пиротехник воситаларни олиб келиш ва сотиш тақиқланганига қарамай, айрим тадбиркорларимиз ҳамон бу ишдан тийилмаётир. Уларни харид қилаётган ота-оналар эса шуни эслан чиқармасликлари лозимки, бундай «ўйинчоқлар» байрам тантаналари янада завқли ўтишига эмас, аксинча фарзандларининг соғлигига жиддий зиён етказишга «хизмат» қилади.

Тажрибамизда бунга кўп бор гувоҳ бўлдик. Тўғри, тадбир давомида халқ таълими бошқармаси раҳбарлари билан ҳамкорликда турли семинарлар, учрашувлар ташкил этилади. Бироқ ҳар бир ота-она ўз фарзандини тартибга чақириши, кишиларнинг асабига тегувчи пиротехник воситалар билан ўйнамасликларини уқтириб туришлари шарт.

Бошқармамиз ходимларининг бу йўналишдаги тажрибаси йилдан-йилга бойиб, касб-билим маҳорати ортмоқда. Ёнғин чиқиши ҳодисаларининг камайиб бораётгани шундан далолат беради.

Бунга ёнғин хавфсизлиги ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида эришилмоқда. Улар жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида 7 минг 140 корхона, ташкилот ва муассасада текширув ўтказди. Ёнғинга қарши кураш қоидаларни қўпол равишда бузган шахсларга қарийб 24 миллион сўм миқдорида жарима солиниди.

Шунга қарамай, айрим корхоналар раҳбарлари томонидан ёнғинга қарши эҳтиёткорлик чора-тадбирлари бажарилмай қолаётир. Биргина сентябрь-октябрь ойлари мобайнида ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинмалари шаҳримиз кўча, майдон ва мавзеларида тўпланиб қолган хазон ҳамда манший чиқиндилар гулханларини ўчириш учун 75 маротаба жалб қилинди. Биргина Шайхонтоҳур туманида бундай ҳолат октябрь ойининг ўзида 16 маротаба юз бергани афсусланарлидир.

Ёнғин хавфсизлиги ходимларини ташвишлантираётган ушбу маълумотларни бежиз келтираётганим йўқ. Зеро, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, куз фаслида содир бўлаётган ёнғин ҳодисалари асосан хазон ва чиқиндиларни ёқиш оқибатида рўй бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида пойтахтимизда бир минг 590 марта ёнғин чиққан бўлса, шунинг ҳар учдан биридан зиёдроғи хазон ва чиқиндиларни ёқиш билан боғлиқ. Қолаверса, хазон ва чиқиндиларни аҳоли истиқомат қилаётган мавзеларда очиқдан-очиқ ёқиш билан экологияни бузиб, ҳамюртларимиз соғлигига жиддий зарар етказаётганимизни унутмаслигимиз зарур.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, ёнғин ҳодисаларининг қарийб эллик-олтмиш фоизи фуқаролар уй-жойларида юз бермоқда. Жорий йилнинг шу даврига фуқаролар уй-жойларида 689 бор ёнғин содир бўлди. Ёш болаларнинг ўйинқароқлиги оқибатида 235, электр, уй-рўзғор жиҳозларининг носозлиги натижасида 415 марта ёнғин чиқди. Ачинарлиси - бундай нохуш ҳодисалар оқибатида 34 фуқаро ган жароҳати олиб, 21 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Бу барча учун аччиқ сабоқ бўлиши керак.

Бехзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

Обуна-2003

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз - Mahalla га ОБУНА БЎЛИНГ!

Чоршанба - орзиқиб кутилган дамлар.

Обуна хусусидаги ҳар қандай савол ва таклифларингизни тортинмай изҳор этинг, обуна шартларини сизга қулай тарзда ташкил этиш учун кўмак беришга ҳамиша шаймиз!

Мулоқот учун телефон:
(8-3712) 136-53-93
136-57-62

Обуна бўлишга кечикманг!
Муддат: бор йўғи бир ҳафта.

ЯНГИСИДАН
Бир жуфт

***

- Дўхтир, бугун мен ўзимни яхши ҳис қилянман. Даволашни тўхтатсангиз ҳам бўлади. Марҳамат қилиб, даволаш ҳақини айтсангиз ҳам бўлади.

- Йўқ, йўқ, нима деяпсиз, сиз даволаш ҳақини эшитиш учун ҳали етарлича соғлом эмассиз.

***

Отаси талаба-ўғлига мактуб ёзмоқда: «Ўғлим! Мактуб ичига сўраганингдек, 20 доллар солдим. Бундан кейин эсингда бўлсин, 20 рақами иккита эмас, битта нол билан ёзилади!».

Азиз БОБОХОНОВ тайёрлади.

Ҳ.СОДИҚОВ чизган.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Буюртма Г-1026 Топширилди— 00-10